

**Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.**

**Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.**

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддаси*


ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

35 (780)-son
31-avgust
2007

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan


# Истиқлол айёмингиз қутлуғ бўлсин!



## Мукофотлар муборак, ҳамкасблар!

**РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА КЎРА, КЎПЛАБ СОҲА ВАКИЛЛАРИ ҚАТОРИ АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ ҲАМ ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИГА САЗОВОР БЎЛИШДИ:**

**"МЕҲНАТ ШУҲРАТИ" ордени билан**

**КОМИЛОВ Бафо Аюпович** — "Сирдарё Телеком" филиалининг Гулистон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи.

**"ДЎСТЛИК" ордени билан**

**КРИВЕНКО Татьяна Григорьевна** — "Бухоро Телеком" филиалининг Бухоро тумани телекоммуникациялар боғламаси электромонтёри.

**"ШУҲРАТ" медали билан**

**МАЛИКОВА Шовкатхон Қобуловна** — "Фарғона Телеком" филиалининг Охунбобоев тумани телекоммуникациялар боғламаси Лангар тармоғи телефончиси.

**МИРНОСИРОВ Мирраҳим Мирҳайдарович** — "Республика махсус алоқа боғламаси" давлат унитар корхонаси бошлиғи.

**РЕЙМКУЛОВА Калжан Кайпназаровна** — "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоқ филиалининг Қораўзак тумани почта алоқаси тармоғи почтачиси.

**РЎЗИЕВ Мардон** — "Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиалининг 10-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси бош электромеханиги.

**ЭМИРОВА Венера Эскандаровна** — "Андижон Телеком" филиалининг Булоқбоши телекоммуникациялар боғламаси оператори.

**ҚАБУЛОВ Мадирим** — "Хоразм Телеком" филиалининг Хива тумани телекоммуникациялар боғламаси электромонтёри.

**ҚОРЁҒДИЕВ Фатулло Абдуллоевич** — "Бухоро Телеком" филиалининг Жондор тумани телекоммуникациялар боғламасига қарашли "Зарафшон" қишлоқ телефон тармоғининг электромонтёри.

**ҲУСАИНОВА Ҳалима** — Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали қошидаги 1-академик лицейнинг физика фани ўқитувчиси.

**ХАЛИЛОВ Эркинжон Неъматович** — Давлат фельдъегерлик хизматининг Самарқанд вилояти бўлими бошлиғи.

**Мукофотлар муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!**


ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ
UzNet Internet Service Provider — сифат рамзидир
Sarkor Telecom Internet service provider — юқори тезликдаги уй Интернети

HAY'AT YIG'ILISHIDA

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров олиб борди.**

Кун тартибининг биринчи масаласи — "2007 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ўртасида 2006-2008 йилларга тузилган Тармоқ Келишувининг бажарилиши тўғрисида" Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Назаржонов маъруза қилди.

Келишувлар ва Жамоа шартномаларига мувофиқ олинган мажбуриятларнинг ҳисобот даврида бажарилиши таҳлилларига кўра, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бўйича ўртача иш ҳақи 117,6 минг сўмни ташкил этди ёки бу 2006 йилга нисбатан 1,21 баробарга кўпайди.

«Ўзбектелеком» АК, «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бўйича ўртача иш ҳақи Тариф келишувларида ва ягона Жамоа шартномасида белгиланган даражага етказилди.

Ҳисобот даврида барча корхона ва ташкилотларда ходимларга Жамоа шартномаларида қабул қилинган ижтимоий тўловлар, моддий ёрдам, кафолатлар, компенсациялар тўлаб борилди.

Кун тартибида:

## Тармоқ келишуви ва ДАИ фаолияти

2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши муносабати билан Жамоа шартномаларида асосий эътибор кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, ногиронларга, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, ишламаётган пенсионерларга моддий ва маънавий ёрдам беришга қаратилди. Жумладан, 50 нафар ишловчи аёлга туғишгача ва туғишдан кейин бериладиган ҳақ тўланадиган таътиллар куни узайтирилди, 2 ёшдан 3 ёшгача боласи бор ва бола парваришлаш таътилида бўлган 338 нафар аёлга жами 22,2 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди ёки ўрта ҳисобда ойига 10,9 минг сўмдан моддий ёрдам пули тўланди, 4650 нафардан кўпроқ ишламаётган пенсионернинг ҳар бирига ўрта ҳисобда 21,7 минг сўмдан моддий ёрдам берилди.

2007 йилнинг биринчи ярмида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ҳар бир ходим Жамоа шартномаларида белгиланган имтиёзлар ҳисобига ўзларининг лавозим маошига ойига ўртача 49,9 минг сўмдан қўшимча даромад олди.

Эришилган натижалар билан бир қаторда баъзи корхона, ташкилот ва филиалларда Келишув ва Жамоа шартномаларида белгиланган мажбуриятларни бажаришда айрим хато ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Жумладан, «Матбуот тарқатувчи» АК таркибига кирувчи 2та шўъба корхона (Бухоро "Матбуот тарқатувчи" (МТ) ва Сурхондарё "Матбуот уюшмаси" (МУ)да ўртача ойлик иш ҳақини Келишув ва Жамоа шартномаларида қабул қилинган даражага етказилмаган. "Ўзбектелеком" АКнинг «Сурхондарё Телеком», «Наманган Телеком» филиаллари, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Андижон, Бухоро ва Наманган филиалларида, "Матбуот тарқатувчи" АКнинг Жиззах МТ МЧЖ ва Сурхондарё МУ шўъба корхоналарида ўртача иш ҳақи штат жадвали бўйича паст.

"Давлат алоқа инспекцияси фаолияти ва келгусида назоратни такомиллаштириш тўғрисида" Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Ш.Абидходжаев маъруза қилди. Маърузачининг таъкидлашича, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2006 йил 29 декабрдаги 4/1-Г-сонли қарори билан тасдиқланган 2007 йил текширишлар режа-жадвалига асосан 2007 йилда 35та ва режадан ташқари 18та хўжалик юритувчи субъектда режали текширишлар ўтказиш режалаштирилган бўлиб, август ойига қадар 45та хўжалик юритувчи субъектда текширишлар ўтказилган.

Жорий йилнинг август ойига қадар режали ва режадан ташқари текширишлар — 4та телекоммуникациялар, 4та телерадиодастурларни шакллантирувчи, 1та мобил алоқа хизмати, 8та почта алоқаси хизматини кўрсатувчи корхонада, 1та матбуот тарқатувчи, 4та қурилиш, 23та интернет хизматини кўрсатувчи корхоналарда текширишлар олиб борилди.

Ўтказилган текшириш якунлари бўйича қонун, қонуности, давлат ва тармоқ стандартлари ҳамда норматив ҳужжатлар талабларига риоя этмаган 36та хўжалик юритувчи субъектга кўрсатмалар берилиб, бажарилиши назоратга олинди ҳамда 29 мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилди, жариманинг қиймати 856980 сўмни ташкил этди.

2007 йилда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган йирик оператор ва провайдерлар («Ўзбектелеком» АК, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ, "Матбуот тарқатувчи" АК ва РРТМ корхоналари) билан уларнинг сўрови асосида ҳамкорликда ишлаш келишувлари имзоланди ҳамда ушбу келишувларга асосан режалар ишлаб чиқилиб, 2007 йилнинг шу даврига қадар ишлаб чиқилган режалар асосида ҳамкорликда 56та ўрганиш ўтказилди.

Жорий йилнинг олти ойи давомида фуқаролардан тушган 596та мурожаатнинг ўрнатилган муддатда кўриб чиқилиши, мурожаатларга жавоб ва лозим бўлганда юқори турувчи ташкилотларга маълумот йўлланишт ташкил этилди.

Ҳайъатда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

# Коммутация маркази ишга тушди




**Мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида республикамизнинг бир қатор вилоятларида "Ўзбектелеком" АКнинг "Ўзбектелеком Мобайл" филиали томонидан алоқа объектлари ишга туширилди. Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида ҳам CDMA-450 стандартидаги янги тармоқ фаолият кўрсата бошлади.**








Тармоқнинг очилишига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, "Ўзбектелеком" АК ва соҳанинг бошқа корхона ва ташкилотларидан вакиллар қатнашдилар. Тадбирда сўзга чиққан Агентлик Бош директори А.Арипов соҳада олиб борилган кенг кўламли ишларга атрофлича тўхталиб ўтди ҳамда улуғ айём ва Тўйтепа коммутация маркази ишга тушиши муносабати билан соҳа ходимларини ва туман аҳолисини табриклади.

Айтиш жоизки, CDMA-450 стандартининг имкониятлари мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда. Айниқса, кабел линияларини ётқизиш имконияти бўлмаган жуда катта ҳудуддаги аҳоли масканлари ва халқ хўжалиги иншоотларини сифатли телефон алоқаси ва юқори тезликдаги интернет билан таъминлашда у жуда қўл келади. Маълумки, 2007 йилнинг 23 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация тармоғини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор асосида Хитой тараққиёт банки ва Huawei Technologies компанияси билан ҳамкорликда "Ўзбектелеком" АК телекоммуникация тармоқларини реконструкция қилиш ва модернизациялаш" инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Юқоридаги лойиҳа лизинг асосида йўлга қўйилган бўлиб, республикамизга иккита коммутация ва 70та база станциясини келтириш орқали CDMA-450 стандартини янада кенгайтириш мўлжалланган.

Ҳозирга қадар Наманган ва Тўйтепа шаҳарларида 10 минг, Самарқандда 30 минг рақамли коммутация марказлари, Фарғона водийси, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида база станциялари ўрнатилган ва тажрибавий эксплуатацияга топширилган.

"Ўзбектелеком Мобайл" филиали келгусида ўз тармоғини янада кенгайтириш ҳисобига қўшимча хизмат турларини кўпайтиришни режалаштирмоқда.

***Собит АҲАДОВ,***
***"Xabar" мухбири***

# Маркаларда Самарқанд акси

**Республикамиз Мустақиллигининг 16 йиллиги байрами арафасида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан икки кичик варақ кўринишида, 16та икки купондан иборат «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги» почта маркалари туркуми**






Жорий йилнинг 24 август куни Самарқанд шаҳрида ушбу маркаларнинг махсус сўндириш тадбири бўлиб ўтди. Почта маркаларида Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонидаги Улуғбек мадрасаси, Регистон майдонининг умумий кўриниши, Шердор, Тиллакори мадрасалари, Бибихоним масжиди, Амир Темур ҳайкали, Шоҳизинда мажмуаси, Руҳобод мақбараси, Гўри Амир, Бибихоним, Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотуридий мақбаралари каби тарихий архитектура ёдгорликлари тасвирланган.

«Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги»га бағишланган кичик варақ купонларда эмблема туширилган. Кичик варақнинг ранг-баранг ҳошиялари ва махсус хотира тамғаларида шаҳарнинг тарихий ёдгорликларидан лавҳалар жой олган. Лотин алифбосида «Самарқанд 2750 йил» сўзлари ёзилган, махсус хотира тамғаси тушириладиган жой ва сана кўрсатилган. Мазкур почта маркалари туркуми муаллифи А.Зуев, махсус хотира тамғаси муаллифи У.Юсупалиев.

***«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ матбуот хизмати***

## "IJTIMOIY HIMOYA YILI DAVLAT DASTURI" AMALDA




**Мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллик тўйи алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхона ва ташкилотлари томонидан муносиб нишонланмоқда. Жумладан, Тошкент телеминорасида бўлиб ўтган байрам шодиёналари бевосита Ижтимоий ҳимоя йилига уйғунлик касб этди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение марказида ижтимоий муҳофаза алоҳида эътибордаги масалалардан бўлиб, бу борадаги тадбирларни ўтказиш анъана тусини олмоқда.**

# Меҳр-мурувват айёми





Айниқса, энг улуғ ва азиз байрамларимизда марказ ходимлари халқимизга хос бўлган меҳмондўстлик қоидаларига нечоғлиқ содиқ эканликларини амалда кўрсатишади. Уларнинг бу галги меҳмони пойтахтнинг Юнусобод туманида жойлашган "Ногирон болаларнинг соғлиғини қайта тиклаш, бирлаштириш" клуби тарбияланувчилари бўлди. Телеминоранинг 100-метридаги ресторанда ташкиллаштирилган байрам дастурхонига таклиф этилган болажонлар улуғ айём арафасида янада чирой очган азим Тошкент манзараларидан баҳра олишди. Таниқли эстрада хонандалари ижросидаги ажойиб қўшиқ ва тароналар байрамга ўзгача шукуҳ бағишлади.

Тадбирда Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази томонидан клуб болалари учун компютер ҳамда турли совғалар тақдим этилди.

***Ўз мухбиримиз***

## ҚУТЛОВ!



**Маматғулом НУРМАТОВ, Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси 235-АТС кабелчи-пайвандловчиси, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби:**

*— Ўтган йили «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирландим. Мендек оддий алоқачи меҳнатининг бу даражада қадрлангани нафақат мени, ҳамкасбларимизни ҳам қувонтирди.*

*Вилоятимизда ҳам замонавий рақамли телефон станциялари қурилиб ишга туширилди. Бу жараён яна давом этмоқда. Яқин келажакда замонавий алоқа воситалари чекка қишлоқларимизга ҳам етиб боради ва аҳолининг барча қатламлари сифатли алоқа хизматидан баҳраманд бўладилар.*

*Корхонамизда кабелчилар меҳнатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили 6-даражали кабелчи-пайвандловчилар учун махсус низом ишлаб чиқилди. Низомга биноан, уч тоифа даражасида кабелчилар учун қўшимча тўловлар жорий қилинган. Бундан ташқари, шогирд тайёрлаган кабелчилар ҳам алоҳида рағбатлантириладилар. Қисқаси, касбини ўрганишга интилган, улуғлаган ҳамда корхона манфаатини юқори қўйган ходимларнинг меҳнати қадрланяпти.*

*Жонажон юртимиз Мустақиллигининг 16 йиллик тўйи билан барча ҳамкасбларимни қутлайман. Ишларида улкан муваффақиятлар, оилавий бахт тилайман.*

# Янги хизматлар

**"Ўзбектелеком" АКнинг Инженер-техник маркази томонидан "Бухоро Телеком" филиалида бир қатор мавзуларда ўқув машғулотлари ўтказилди.**

Филиал томонидан иштирокчиларга ўқувларда фаол иштирок этишлари учун барча шароитлар яратилиб, улар иссиқ овқат билан таъминландилар.

Узоқ туманлардан келган тингловчилар учун ётоқхоналар ажратилди. Машғулотлардан бўш пайтларида тингловчилар маданий дам олиб, турли спорт ўйинлари билан машғул бўлдилар.

Дастлабки тўрт кунлик машғулотлар давомида шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларининг 40 нафардан ортиқ ходимлари, жумладан, иқтисодчилар, мижозлар бўлими операторлари, таксофонларга хизмат кўрсатувчи мутахассислар "Маркетинг асослари ва телекоммуникация хизматларини сотиш техникаси" мавзуидаги маърузани тингладилар.

Шунингдек, "Кичик бизнес ходимларини телекоммуникация хизматларини сотиш асосларига ўқитиш" мавзуида ўтказилган машғулотлар ҳам қизиқарли бўлди. Марказ ўқитувчиси Борис Огонянц томонидан ўтказилган машғулотлар қизиқарлилиги, тингловчиларга тушунарли бўлганлиги билан аҳамиятлидир. "Қўшимча хизмат турларидан фойдаланиш ва уларни сотишни рағбатлантириш" мавзуидаги ўқув машғулотидан ҳам иштирокчилар ўзлари учун фойдали маълумотлар олдилар.

Машғулотлар давомида компютер, дипроектор, телефон аппаратлари ва бир қатор кўргазмали воситалардан кенг фойдаланилди. Бу эса машғулотлар самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Бир сўз билан айтганда, Инженер-техник маркази ўқитувчилари — Наиля Утекова, Замира Азимовалар томонидан соҳа мутахассислари малакасини ошириш мақсадида Бухорода ташкил этилган кўчма ўқитиш курслари юқори савияда ўтди.

Ўқув машғулотлари якунида сўзга чиққан "Бухоро Телеком" филиали директори Шариф Худойбердиев марказ ўқитувчиларига ўз миннатдорчилигини билдирди. Тингловчилар олган билимлар уларнинг келгусидаги иш фаолиятларида қўл келишини таъкидлаб, машғулотларнинг энг фаол иштирокчиларига тегишли сертификатларни топширди.

***Асқар ИСТАМОВ,***
***"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири***

## Байрам арафасида



**Сурхондарё вилоятининг 118та тоғолди қишлоғига "Ўзбекистон" телерадиоканали дастурларини сунъий йўлдош орқали узатиш йўлга қўйилди. Бу иш Хитойнинг "Эксимбанк"и кредити ҳамкорлигидаги "Йўлдошли алоқа тизимлари орқали телерадиоэшиттиришларни ташкил қилиш лойиҳаси" асосида 2006-2010 йилларга мўлжалланган дастурга мувофиқ амалга оширилди.**

## ҲИКМАТ



Ватанпарварлик нафақат ўз юртингни бало-қазолардан асраш, балки унинг тараққиёти учун курашиш ҳам демакдир.

# НУРЛИ ЙЎЛ

## «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ мустақиллик йилларида

***1993 йили 9 февралда Тошкентда «Халқаро почтамт» филиали ташкил этилди.***

***1994 йили 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Бутунжаҳон почта иттифоқига аъзо бўлди.***

***2000 йили Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.***

***«Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди.***

***2005 йил 19 майда Вазирлар Маҳкамасининг «2010 йилгача почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.***




**Фарғона политехника институтида мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Таълим соҳасини янада ривожлантиришга, аҳолини, хусусан ёшларни замонавий билим ва янгиликлардан хабардор қилишга қаратилган бу қарорда тармоқни такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал талаб-эҳтиёжларини қондириш, маънавий қадриятларни сақлаш ҳамда аҳолига замонавий технологиялардан фойдаланиб, мунтазам ва мустақил равишда таълим олишга кўмаклашиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш кўзда тутилган.**

# Тафаккур бўстони

Мазкур қарорга биноан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасаррруфидаги кутубхоналарни халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим вазирликларига ўтказиш йўли билан ўқув юртлари, шу жумладан ўрта таълим мактабларида ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди. Вилоятдаги 594та кутубхонанинг биттаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига, 475таси вилоят халқ таълими бошқармасига, 29таси олий ва касб-ҳунар таълими тизимига ўтказилди. Фарғона шаҳар марказий кутубхонаси Фарғона политехника институти тасарруфига ўтди. Институт кутубхонаси ҳамда унга бириктирилган шаҳар марказий кутубхонаси негизида Ахборот-ресурс маркази (АРМ) ташкил этилди.

Институт проректори И.Тўхтаров бошчилигидаги эксперт гуруҳи шаҳар марказий кутубхонасининг мол-мулклари ва китоб фондини қайта рўйхатдан ўтказди. Маънавий яроқсиз адабиётлар махсус сақлаш бўлимига қўйилди, фойдаланиш учун яроқсиз деб топилган китоблар эса кутубхона ҳисобидан чиқарилди, яроқли 21214 номдаги китоблар рўйхатининг электрон варианти тузилди. «Модерн инженеринг» МЧЖ мутахассислари томонидан бинонинг техник ҳолати ўрганилиб, таъмирдан чиқарилди. Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига 2006 йилнинг иккинчи ярмида умумий суммаси 12 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

— Марказимиз яна қўшимча 18та компютер, иккита нусха кўчириш аппарати, иккита сканер, иккита лазер принтери, янги стол-стуллар билан жиҳозланди, — дейди биз билан суҳбатда институт Ахборот-ресурс маркази директори Мухторали Турдиалиев. — Уларнинг бир қисми Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасидан ажратилган маблағ ҳисобидан харид қилинди.

Компютерларнинг саккизтаси АРМнинг шаҳар кутубхонаси ўрнида ташкил этилган шаҳар бўлимига ўрнатилиб, интернет тармоғига уланди. Натижада бўлимнинг фаолияти замон талаблари даражасида тубдан янгиланди. Энди Навоий мавзеси аҳолиси китоблар ва вақтли матбуот нашрларидангина баҳраманд бўлиб қолмай, балки компютердан интернет тармоғи, ахборот ресурсларининг электрон вариантларидан ҳам фойдаланишмоқда.

Марказни кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малакасини оширишга жиддий аҳамият берилаётир. Танлов бўйича ишга қабул қилиш комиссияси шаҳар марказий кутубхонаси ходимларини аттестациядан ўтказди. Барча ходимлар институтнинг ўзида ва Тошкент ахборот технологиялари университетида ташкил этилган ўқув курсларида малакаларини оширдилар.

Институтда техника (қурилиш, энергетика, механика, асбобсозлик), иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва кимё-технология йўналишлари бўйича ёш мутахассислар тайёрланади. Шундан келиб чиқиб, АРМда сўнгги йилларда кўплаб замонавий ресурслар шакллантирилган. 316436 нусха китоб, 158 номга яқин вақтли матбуот нашрлари электрон ўқув залини компютерлари базасига киритилган. Институт профессор-ўқитувчилари меҳнати маҳсули — 445та фан бўйича маъруза матнлари, шунингдек, турдош олий ўқув юртлари олимларининг 2100 маъруза матни, 50га яқин электрон дарслик, 100дан ортиқ электрон ишланма базаси яратилган. Китоб фонди доимий равишда янгиланиб борилмоқда. Фонд ўқув қўлланмалари, бадиий ва оммабоп китоблар ҳисобига бойитиляпти. Ўтган саккиз ой мобайнида умумий суммаси 13 млн. 769 минг сўмлик янги адабиётлар харид қилинди.

2007 йилда ўқув зали учун 246 нусха газета ва журналга обуна уюштирилган. Бу нашрлар китобхонлар томонидан қўлма-қўл бўлиб ўқиляпти.

Электрон каталог доимий янгиланиб, тўлдириб борилмоқда. Хуллас, аҳолининг етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган қатламларига хизмат кўрсатилмоқда.

— Китобни асраб-авайлаш бизга отамерос фазилат, — дейди Фарғона политехника институти ректори, техника фанлари доктори, профессор Расул Тожиев. — Темурийлар даврида китобга бўлган муносабат айни кун учун ҳам ибратли. Ўша даврда мамлакат пойтахти — Самарқанддаги сарой кутубхонаси жуда машҳур бўлиб, бу ерда турли тиллардаги нодир қўлёзмалар сақланган. Ўша замон олимлари кутубхонадан кенг фойдаланиб, олий мақсадларига эришганлар. Қозизода Румий, Улуғбек, Али Қушчи каби буюк зотлар ана шулар жумласидандир. Улар маданий ва маънавий масканни кўз қорачиғидек асраб, китоблар жамғармасини бойитиб бориш борасида қайғурганлар.

Биз ҳам замонавий кутубхона — ахборот-ресурс марказлари ишини тобора такомиллаштириб бориш, таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиётдаги ислоҳотларда қатнашиш учун жон куйдирайлик. Токи марказларимизда ахборот манбаларидан фойдаланувчилар тўхтовсиз кўпайиб, хизмат турлари самарадорлиги ошсин. Ахир таълим инсон ҳаётига беҳад катта таъсир кўрсатувчи муҳим омил. Илму фанга интилган инсон ўз ҳаётини нафақат маънавий, балки моддий жиҳатдан бойитиши муқаррар.

Ҳа, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг муҳим воситаси — ахборот технологияларидан баҳраманд бўлган ҳолда ўқиб изланса, меҳнат қилсак ҳаётимиз янада фаровонлашади, ватанимизнинг буюк эртасини тезроқ яқинлаштиришга муваффақ бўламиз.

***Ҳафиза САЛЯҲОВА,***
***«Xabar»нинг Фарғона вилоятидаги мухбири***

## Қутлов!



**Шаҳодат ҲАСАНОВА, “Навоий Телеком” филиалининг Хатирчи телекоммуникациялар боғламаси электромеханиги, “Шуҳрат” медали соҳибаси:**

*— Касбнинг катта-кичиги, яхши-ёмони бўлмайди, дейишади. Энг муҳими, уни севиш, қадрлаш керак. Ана шунда танлаган касбингиз ўзингизга ҳам, оилангиз, фарзандларингизга ҳам бахт ва шараф келтиришини мен ўз касбим, ўз ҳаётим мисолида кўрдим.*

*Самарқанддаги индустриал техникумни тугатиб келганимдан буён Хатирчи тумани телекоммуникациялар боғламасида электромеханик бўлиб ишлайман.*

*Корхонамизда кейинги йилларда қўлга киритилаётган ютуқларда жамоанинг ҳамфикрлилиги, бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилаётганлиги асосий омил бўлмоқда.*

*Мен ҳам ана шу илғор жамоа аъзоси эканлигимдан, оддий меҳнатидан бахт топган аёллар қаторида борлигимдан беҳад мамнунман.*

*“Меҳнат қилган элда азиз”, дейди халқимиз. Дарҳақиқат шундай. Соҳадаги йигирма беш йиллик меҳнатларим зое кетмади. Ўтган йили Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги муносабати билан Ватанимизнинг “Шуҳрат” медалига сазовор бўлдим. Худди ана шундай саодатли кунлар бошқаларга ҳам насиб этсин. Барча ҳамкасбларимга юртимизнинг энг улуғ, энг қутлуғ байрами муборак бўлсин!*

## Байрам арафасида



**Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани Мевазор қишлоғида 540 ўқувчига мўлжалланган Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи қурилиши ниҳоясига етказилди. “Ҳисорак-гидроқурилиш” ОАЖ қурувчилари томонидан бунёд этилган коллеж замонавий техникалар билан жиҳозланди.**

# Нурхона

DIL IZHORI

*Китоб — инсон ҳаёти ганжи эканлигини жуда ёшлигимдан англадим ва унга ошно яшадим. Ҳалол ва саодатмандликда кечган умр учун китобдан миннатдорман. Салкам ўттиз йил ёшларга таълим-тарбия бериб, пенсияга чиққач ҳам менга сув ва ҳаводек зарур китоблару газета-журналларни қўлдан қўймай келаман. Ҳаётимни бир кун ҳам уларсиз тасаввур қилолмайман. Кутубхонага қатнашни ҳам сира канда қилганим йўқ.*

*Кутубхонамиз олдингидан аъло бўлса бўлдики, ёмон бўлмади. Кирсангиз чиққингиз келмайди. Чиройли, ёруғ, шинам, совуткичлар ишлаб турибди. Мана буни кутубхона — нурхона деса бўлади!*

*Шундай ажойиб зиё масканини кўриш, унда ёшлар қатори мутолаа лаззатидан роҳатланиш насиб этганидан хурсандман. Бунинг учун биз институт ва ахборот-ресурс маркази раҳбарларига чексиз миннатдорлигимизни изҳор этамиз.*

***Шаҳзода ая АҲРОРОВА,***
***меҳнат фахрийси***

***2005 йил декабр ойида Тошкент шаҳри ва ҳудудий филиалларнинг автоматлаштирилган иш жойларини ўзаро боғловчи электрон пул жўнатмалари тизими ишга туширилди.***

***Ҳозирги пайтда тармоқда 161 та электрон почта манзили рўйхатга олинган бўлиб, улар ёрдамида электрон почта хизмати амалга оширилмоқда.***

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг “Ўзбекистон маркаси” филиали томонидан 700 дан ортиқ кўринишдаги почта маркалари чиқарилди.***

***2007 йилнинг 1 февралидан ҳар бир чиқиб кетувчи халқаро жўнатмаларни S10 халқаро стандартига мувофиқ штрих кодлаш ишлари амалга киритилди.***





**Постоянные изменения и поиск оптимальных управленческих решений стали нормой жизнедеятельности любой современной компании, фирмы, предприятия. В условиях конкуренции и растущего спроса на современные виды услуг телекоммуникаций, требуют по определению директора филиала «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I» Абдурашида Абдумуминова, нахождения оптимальных вариантов решения поставленных перед связистами задач.**

# Инновационные решения филиала «TShTT» АК «Узбектелеком»

Словом, успех в совершенстве и поступательном движении предприятия вперед. Твердость и целеустремленность в удовлетворении информационно-телекоммуникационных потребностей населения крупного города.

«TShTT» 16 лет в условиях свободного предпринимательства предоставляет услуги местной, междугородной и международной связи для государственных структур, физических лиц, субъектов малого, крупного бизнеса и частных предпринимателей. Коллектив трудится твердо определив свой бизнес-процесс требующий огромных интеллектуальных усилий, напряженной работы ума, больших затрат времени и безусловной готовности руководствоваться требованиями администрации.

Образ телефонной сети столицы формировался с учетом пожеланий потребителей получать популярные услуги без проблем и по вполне приемлемым ценам.

Следует подчеркнуть, что репутация бренда предприятия ассоциируют у потребителей услуг с индивидуальностью, популярностью и информационным восприятием лояльности, корпоративной культуры, доверием, социальной направленности и наличием ряда льгот.

Потребители с желанием пользуются следующими льготами:

·при повременной плате за телефонный разговор местной телефонной сети общего пользования применяются следующие понижающие коэффициенты: при разговорах с 22.00 до 7.00 размер понижающего коэффициента к тарифу - 0,10.

· за разговоры со службами экстренного вызова от 01 до 04, 050, а также за выход на бюро ремонта 083, 084, 085, 086, 087, 089 и заказную службу Ташкентской телеграфно-телефонной станции 8-191, 8-194 повременная плата не взимается.

· к тарифам на междугородные телефонные разговоры, предоставляемые по автоматической междугородной телефонной связи (за исключением разговоров с междугородных таксофонов) применяются следующие понижающие коэффициенты: при разговорах в рабочие дни с 22.00 до 7.00 предельный размер понижающего коэффициента к тарифу — 0,15; в выходные дни (суббота, воскресенье, праздничные дни) с 22.00 до 7.00 предельный размер понижающего коэффициента к тарифу - 0,20.

· для абонентов пользующихся картами «TShTT» для международных телефонных звонков звонить стало дешевле. В Россию стоимость 1 минуты разговора снижена до 220 сум, а в Казахстан до 230 сум. Для




узнаваемости на этих картах написано Россия и Казахстан.

· в целях обеспечения больших удобств оплаты за услуги введены единые расчетные карты оплаты за услуги местной, междугородной и международной связи, приобретя и активизируя которые, сумма сразу ложится на ваш лицевой счет и не нужно ходить в пункты приема оплат. При этом в случае задолженности и выключенном телефоне за несвоевременную оплату автоматизированная система биллинга немедленно дает команду на подключение телефона вне зависимости от времени суток, праздничного или выходного дня.

Информация, размещенная на сайте Интернет www.«TShTT».uz включает рекламу, позиционирование предоставляемых услуг: универсальных, дополнительных, интеллектуальных, IP-телефонии, Интернет, инновации, международные и междугородные коды фиксированных и сотовых сетей связи, компьютерные игры для ПРО-геймеров, статьи и многое другое.

К сказанному добавим, что филиал ««TShTT»» имеет свою модель маркетинга услуг инфокоммуникаций, с учетом международного опыта, национальных особенностей республики и большой практической деятельности. Интерес к исследованиям в маркетинге услуг связи обусловлен процессами углубления рыночных реформ, либерализации и эволюционным движением конкурентной телекоммуникационной среды.

Филиал «TShTT», в целях создания благоприятных условий абонентам, которые предпочитают предварительную оплату за услуги связи на определенный период, принимает меры по обеспечению потребителей сервисным обслуживанием.

К примеру, при расчетах в пунктах приема оплаты или по расчетной карте кредитовая сумма на лицевом счету является оплатой за пакет услуг: абонентская плата, повременная плата за каждую полную или неполную минуту сверх установленного лимита в месяц, за дополнительные виды обслуживания, за услуги узла специальных служб (Contact Center) — справка, погода, время и др., междугородные и международные разговоры.

При изменении тарифов на указанные услуги биллинг ведет расчеты в автоматизированном режиме по прежним тарифам до окончания авансовой суммы. В случае повреждения телефона в зоне ответственности «TShTT» и поступления заявки в бюро ремонта предприятие осуществляет перерасчет абонентской платы на время ремонтных работ.

При снятии телефона за неоплату или в случае выезда абонентов, абоненты имеют право на восстановление телефона, по прежнему адресу, при наличии технической возможности и внесения платы за предоставление доступа в размере 50 % от тарифа, при условии погашения задолженности, числящейся на момент расторжения Договора.

Переключение по просьбе абонента телефона, включенного в ведомственную телефонную станцию организации или фиксированную телефонную сеть другого оператора на телефонную станцию «TShTT», осуществляется всего за 20% от тарифа доступа к телефонной сети.

В текущем году филиал «TShTT» разработал и ввел новые услуги и дополнительные виды обслуживания:

Услуги NUC (Полупостоянное соединение) Запрет исходящей связи по обусловленному списку Установка входящих вызовов на очередь (пульт секретаря) Вызов номера в предварительно установленное время Преграждение доступа входящему анонимному вызову Услуги «полупостоянного соединения» — это услуги организации цифровых прямых проводов АТС с выделением и использованием номеров телефонов.

В соответствии с решением Узбекского агентства связи и информатизации, мероприятиями, разработанными АК «Узбектелеком» руководством «TShTT» в 2007 году внесены дополнения в концепцию ускорения обновления и модернизации ресурсов телефонных станций, развитием безналичных платежных систем, информационно-коммуникационных технологий, ростом производственных мощностей телекоммуникационной инфраструктуры и оказанию услуг, дальнейшему развитию предпринимательской деятельности субъектами.

Создание стратегического альянса между филиалом «TShTT» и абонентами, пользователями услугами, а так же компаниями, пользующимися нашими ресурсами для ведения бизнеса, является отправной точкой уверенного шага в будущее.

*Валерий ГУЛИН,*
*начальник отдела*
*маркетинга «TShTT»*



**АФОРИЗМ**

***Слово - жемчуг из людского рудника,***
***Слово - роза из мирского цветника.***

***Алишер НАВОИ***

## ZiyoNET—АНОНС*

### НАЦИОНАЛЬНОЙ ПРОГРАММЕ ПО ПОДГОТОВКЕ КАДРОВ ИСПОЛНИЛОСЬ 10 ЛЕТ

**С первых дней независимости в нашей республике уделялось особое внимание коренному реформированию системы образования.**

В результате реализации отмечаемого в этом году 10-летия «Национальной программы по подготовки кадров» коренные изменения произошли не только в форме системы образования, но и в ее сущности. Система образования, успешно проходящая серьезные этапы реформирования, ставит перед собой все новые задачи.

В годы независимости были организованы десятки новых высших учебных заведений. Среди них Ташкентский авиационный институт, Налоговая академия, Ташкентский химико-технологический институт, Ташкентский архитектурно строительный, Университет мировой экономики и дипломатии, Ташкентский Исламский университет, Институт национального художества и дизайна, Высшая школа танца и хореографии, Ташкентский университет информационных технологий, Самаркандский институт экономики и сервиса.

### ГРУППА УЗБЕКСКИХ СТУДЕНТОВ ОТПРАВИЛАСЬ В КИТАЙ

**В соответствии с Соглашением между Министерством высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан и Министерством образования Китайской Народной Республики о сотрудничестве в области образования Узбекистан и Китай ежегодно обмениваются 20 студентами, преподавателями, стажёрами и исследователями.**

В этом году из Узбекистана в Китай были направлены 23 представителя из Ташкентского государственного института востоковедения, Узбекского государственного университета мировых языков, Национального университета Узбекистана, Ташкентского государственного экономического университета, Ташкентского университета информационных технологий и Ташкентского архитектурно-строительного университета.

Стажеры из Узбекистана будут обучаться в течении одного года в Шанхайском, Пекинском, Уханском, Тяньцзинском, Ренминском университетах, а также Китайском университете геологических наук, Северо-восточном университете:

### ОТКРЫТ НОВЫЙ ПОРТАЛ СЕТИ ZIYONET

**Ресурсным центром сети ZiyoNET разработан новый портал ZiyoNET www.ziyonet.uz), предоставляющий пользователям ряд новых функциональных возможностей. Дизайн портала кардинально изменен – он стал более ярким и удобным в использовании.**

На главной странице портала доступны:
- Последние материалы из раздела «Публикации»;
- Последние добавления в «Каталог»;
- Топ-рейтинг участников «Каталога»;
- Проводимые конкурсы (раздел «Интересное»);
- Последние поступления в «Библиотеку»;
- Свежие темы обсуждений на uForum.

***Более подробную информацию можно получить на сайте информационно- образовательной сети ZiyoNET www.ziyonet.uz**

UZBEKTELECOM

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ**

**Республикамиз мустақиллигининг 16 йиллиги байрами билан барча юртдошларимизни самимий табриклайди.**

*Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, хонадонингизга қут-барака тилаймиз.*

**Байрамингиз муборак бўлсин!**

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ**

*Бағрикенг халқимизни, жумладан, алоқа соҳаси ходимларини энг улуғ байрамимиз – Мустақиллик куни билан табриклайди.*



**Шундай шукуҳли кун билан сизларни қутлаётганимиздан беҳад шодмиз.**

Истагимиз – юртимиз янада обод, хонадонларимиз фаровон бўлсин!

ALSKOM

**«ALSKOM»**

**ЎЗБЕКИСТОН- РОССИЯ ҚЎШМА СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ**

Барча алоқачилар ва ўз мижозларини 1 сентябр – Мустақиллик куни билан қутлайди.



**Азиз юртдошлар! Энг улуғ, энг буюк байрамингиз муборак бўлсин.**

Мижозлар манфаатларини кафолатли ва ишончли суғурта ҳимояси билан таъминлаш мақсадида таклиф этаётган хизматларимиз фаолиятингизнинг барқарор ривожланишига кўмак беради деган умиддамиз.

**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ БУХОРО ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**Республикамиз халқини ҳамда алоқа соҳаси ходимларини Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги билан табриклайди.**



**Истиқлолимиз мангу, юртимиз обод, элимиз ҳамиша соғ-омон бўлсин!**


АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ
ЖАМОАСИ
Истиқлол айёми билан
барча ўзбекистонликларни
муборакбод этади.
Ватанимиз гуллаб-яшнаши
йўлидаги саъй-
ҳаракатларингизда улкан
зафарлар тилаймиз.
Эзгу орзуларингиз амалга
ошаверсин, азизлар!


“O`ZBEKTELEKOM” AK
“ҚОРАҚАЛПОҚ ТЕЛЕКОМ”
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
Меҳнаткаш халқимизни,
жумладан, ҳамкасбларини
энг улуғ байрам —
Мустақиллик куни
билан табриклайди.
БАЙРАМ ШУКУҲИ ДОИМИЙ
ҲАМРОҲИНГИЗГА АЙЛАНСИН!


“O`ZBEKTELEKOM” AK
“САМАРҚАНД ТЕЛЕКОМ”
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
O'ZBEKTELEKOM AK SAMARQAND TELEKOM FILIALI
Бағрикенг ва меҳмондўст ўзбек
халқини энг улуғ байрам —
Мустақиллигимизнинг 16 йиллик
тўйи билан муборакбод этади.
Юртимиз тинчлигига кўз тегмасин.
Ўзбекистон шуҳрати янада юксалаверсин!


“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
Мустақилликнинг 16 йиллиги
муносабати билан энг эзгу тилакларни
юртдошларимизга йўллайди.
Ҳеч қачон хонадонингиздан
бахт-саодат, фаровонлик
аримасин. Мустаҳкам соғлиқ
ва муваффақиятлар доимий
ҳамроҳингизга айлансин.
Мустақиллигимиз боқий бўлсин!

## Sarkor Telecom®
Internet service provider
**ЖАМОАСИ**

Халқимизни ҳамда мамлакатимизнинг барча алоқачиларини **Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги** билан самимий муборакбод этади.

Шу саховатли заминдаги ҳар бир хонадонга тинчлик-тотувлик, бахт-саодат, меҳру муҳаббат ва фаровонлик тилаймиз.

**Байрамингиз қутлуғ бўлсин!**

## "O`ZBEKTELEKOM" AK
## "БУХОРО ТЕЛЕКОМ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Истиқлолнинг 16 йиллик тантанаси билан барчани муборакбод этади.

**Қадрли ватандошлар! Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо, хонадонларимиз осойишта, мамлакатимиз янада обод ва қудратли бўлсин!**

## "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ
## ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Жаннатмонанд юртимиз аҳолисини ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида меҳнат қилаётган барча инсонларни мамлакатимиз **Мустақиллигининг 16 йиллиги** билан табриклайди.

**Амалга oшираётган барча эзгу ишларингиз, бунёдкорлик фаолиятингизда улкан зафарлар тилаймиз!**

**Юртимиз осмони доимо мусаффо бўлсин!**

## "O`ZBEKTELEKOM" AK
## "ҚАШҚАДАРЁ ТЕЛЕКОМ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Бағрикенг халқимизни улуғ айём – **Мустақиллик байрами** билан қутлайди.

16

Барчангизга сиҳат-саломатлик, ишларингизда ривож, хонадонларингизга файзу барака тилаймиз.

## “Ўзи-Қарши” филиали жамоаси



1 сентябр – Мустақиллик куни
муносабати билан
юртдошларимизга гўзал
тилакларини йўллайди.

Истагимиз – юртимиз доимо тинч,
осмонимиз мусаффо бўлсин.

**Байрамлар байрамларга уланаверсин!**



“O`ZBEKTELEKOM” AK

## “АНДИЖОН ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Юртимизда истиқомат қилаётган барча-барчани*
*Мустақиллик куни*
*билан қутлайди.*



Шундай шукуҳли кунларда
Сизларга ўз тилакларимизни
йўллаётганимиздан
бағоят мамнунмиз.

**Хонадонингиз обод, дастурхонингиз тўкин бўлсин!**



“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ

## САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Барча
алоқачиларни
халқимизнинг
энг улуғ ва азиз
айёми —
*Мустақиллик куни*
билан
муборакбод
этади.



Ватанимиз равнақи, фаровонлиги йўлида
амалга ошираётган ишларингизда улкан
зафарлар тилаймиз.

**Байрамингиз қутлуғ бўлсин!**



“O`ZBEKTELEKOM” AK

## “ЖИЗЗАХ ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Азиз юртдошларимизни
Мустақиллигимизнинг
16 йиллик шодиёнаси
билан қизғин табриклайди.

Эрк ва озодлик
байрамингиз муборак
бўлсин, азизлар!



**Юртимиз ободлигига кўз тегмасин!**




**2007 йилнинг июлида компютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази — UZINFOCOM ташкил этилганлигига 5 йил тўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ташкил этилган UZINFOCOM маркази ўтган йиллар ичида шаклланиш ва ривожланишнинг катта йўлини босиб ўтди ва мижозлар орасида ишончли ҳамкор мавқеини мустаҳкам эгаллади.**




# UZINFOCOM: ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШНИНГ ШАРАФЛИ БЕШ ЙИЛИ



Марказ ҳозирда республикамизнинг ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасида равон ва барқарор ривожланиб бораётган ташкилот бўлиб, унда 75дан ортиқ юқори малакали мутахассислар хизмат қилади.

Марказ олдига компютерлаштиришни ривожлантириш ва АКТни иқтисодиёт, бошқарув ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларига татбиқ этиш бўйича Миллий дастурнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш, аҳолининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш вазифалари қўйилган.

Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари: АКТ соҳасида меъёрий ҳужжатлар ва стандартларни ишлаб чиқиш, маълумотларни узатиш тармоқларини тақдим этиш, лойиҳаларни экспертиза қилиш, локал ҳисоблаш тармоқларини қуриш ва уларни қўллаб-қувватлаш, веб-сайтларни яратиш, веб-сайтлар дизайни, хостинг, UZ домен зонасини бошқариш, мутахассисларни ўқитиш, малакасини ошириш ва бошқа йўналишлардан иборат. Гарчи Ўзбекистонда АКТ соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий асоси ишлаб чиқилган бўлса-да, соҳанинг жадал ривожланиши мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқишни талаб этади. Ўтган вақт мобайнида марказ томонидан иккита қонун лойиҳаси, 19та низом, иккита тавсиянома, учта бошқарув ҳужжати ва битта соҳа йўриқномаси тайёрланди. Бундан ташқари, марказ АКТ соҳасида илмий изланишларни ҳам амалга оширади, АКТнинг жаҳондаги ва мамлакатимиздаги ривожланиш тенденцияси мониторингини олиб боради. Шунингдек, соҳа ривожланишига бағишланган дайжестлар, таҳлилий материаллар, маърузалар, маълумотлар ва мақолалар тайёрлайди.

Марказнинг асосий йўналишларидан яна бири – ZiyoNET жамоат ахборот-таълим тармоғини ривожлантиришдан иборат. ZiyoNET тармоғи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига асосан марказ таркибида ташкил этилган бўлиб, ўтган йиллар ичида ушбу тармоқ ривожланиб, янгидан-янги ахборот ресурслари билан бойиб борди. Тармоқнинг мақсади республикамиз ёшларининг ахборот-таълим ресурсларини жамлаш, талабалар ва ўқувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиришдан иборат. ZiyoNET порталида ҳозирги кунда жойлаштирилган ахборот ресурслари сони 3200 тага етди, тармоқ каталогидан эса эндиликда 110 та олий ўқув юрти, 59 та ўрта таълим муассасаси, 22 та илмий ташкилот, 28 та маданият, 26 та ижтимоий ва 15 та спорт соҳасидаги сайтларга кириш мумкин.

Мавжуд ахборот ресурслари хавфсизлигини сақлаш ва таъминлаш – бу марказнинг асосий диққат марказида турган вазифалардан бири. Марказда Марказий Осиё худудида биринчи бўлиб 2005 йилнинг кузида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорига асосан компютер ҳодисаларига чора кўриш хизмати UZ-CERT (www.cert.uz) ташкил этилди. Ушбу хизматнинг асосий мақсади миллий фойдаланувчилар ресурслари ва ахборот-коммуникация тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминлашдир. UZ-CERT – компютер ҳодисалари бўйича барча маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш бўйича ягона марказ ҳисобланиб, компютер хавфсизлигига таҳдид солиш хавфини бартараф этиш учун маслаҳат беради ва бу борада техник ёрдам кўрсатади.

Республикамиз аҳолисининг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, жаҳондаги ахборот ресурсларига киришни таъминлаш ҳамда интернетнинг ўзбек миллий бўлагини ривожлантириш мақсадида республикамиз ҳукумати томонидан 2005 йили "Миллий ахборот-қидирув тизимини шакллантириш ва ривожлантириш дастури" қабул қилинган. Ушбу Дастурни амалга ошириш борасида UZINFOCOM маркази томонидан (www.uz) қидирув тизими ишлаб чиқилган ва у мунтазам равишда техник ва мазмун жиҳатдан қўллаб-қувватланиб борилади. Ҳозирги кунда ушбу тизим интернет фойдаланувчилар томонидан Ўзбекистондаги энг кўп мурожаат этиладиган интернет-порталлар сирасига киради.

Маълумки, интернет тармоғида интерактив мулоқотнинг тури бўлган форумлар интернет фойдаланувчилари орасида кенг тарқалган. Бундай форумлар Ўзбекистондаги кўплаб норасмий сайтларда мавжуд бўлсада, лекин улар давлат бошқарув ва ижро органлари сайтларида ҳали камчиликни ташкил этади. Жамият, бизнес ва давлат ўртасидаги он-лайн (бевосита) мулоқотнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда 2006 йилнинг ноябр ойида марказ ўз сайтида www.uzinfocom.uz расмий форумини очди. Орадан бир ой ўтгач, ушбу форумни умумлаштирилган форум — uForum www.uform.uzга айлантиришга қарор қилинди. Умумлаштирилган форумнинг қулайлиги ва аҳамияти – унда расмий ташкилотлар вакиллари, жисмоний шахслар, бизнес вакиллари бирбирларидан турли масофада бўлишларига қарамай, бир вақтнинг ўзида бевосита мулоқот қилишлари мумкин.

Марказ фаолиятининг яна бир асосий йўналишларидан бири – республикамиз ҳукуматининг расмий портали – www.gov.uz ни бошқариш ва уни маълумотлар билан тўлдиришдан иборат. Республикамиз аҳолиси ва жаҳон ҳамжамиятини Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув ва ижро органлари фаолияти, уларда олиб борилаётган ишлар, республикамизнинг ҳаёти, унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, илмфан ва бошқа соҳалардаги янгиликлари билан бохабар қилиш мазкур лойиҳанинг мақсади ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги кўплаб давлат бошқарув ва ижро органларининг интернет тармоғида расмий сайтлари мавжуд, сайтларнинг функционал имкониятлари, уларнинг дизайни ва маълумотларни жойлаштириш бўйича кейинги йилларда анчагина яхши ишлар қилинди ва қилинмоқда. Аммо марказ томонидан олиб борилаётган мониторинг натижаларига асосан ҳозирги кунда кўплаб корхона ва ташкилотларнинг сайтлари уларнинг олдига қўйилган асосий вазифа – маълумотларни тезкор етказиш ва жамият билан ўзаро алоқа ва мулоқот воситаси механизмини бажармаяпти. Бу борадаги ишларни яхшилаш учун давлат органлари раҳбарлари ва мутасадди ходимлари ўртасида сайтларнинг аҳамияти, уларнинг ўрни ва мақсади ҳақида тушунтириш ишларини янада кенгроқ олиб бориш зарур. Марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сонли "Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорини бажариш борасида давлат органлари сайтларини экспертизадан ўтказиш, сайтларнинг қўйилган талабга мослигини баҳолаш борасида мунтазам ишлар олиб борилмоқда.

2006 йилнинг июл ойидан бошлаб марказ томонидан республикамиз давлат органларининг расмий сайтлари кундалик мониторинг қилиб бориладиди ва олинган натижалар www.uz сайтида бериб борилади.

Миллий ахборот ресурсларининг ишлаши учун қулай шароит яратиш ва уларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида UZINFOCOM марказида ягона технологик майдонча ташкил этилган. Ушбу майдончада ҳозирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, UZ-CERT хизмати ва ZiyoNET портали серверлари, .UZ домен зонасининг илдиз сервери, 80дан ортиқ давлат органлари ва бошқа ташкилотлар сайтлари жойлаштирилган.

ICANN халқаро ташкилоти билан имзоланган келишувга асосан UZINFOCOM маркази Ўзбекистоннинг юқори даражадаги домени – .UZнинг бошқарувчиси ҳисобланади. Марказ томонидан домен номларини рўйхатга олиш хизматини марказлаштиришдан озод этиш ва хизмат сифатини ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада UZ зонасидаги домен номларини рўйхатга олувчи расмий ташкилотлар сони биттадан олтитага кўпайишига ва рўйхатга олиш нархининг анча пасайишига эришилди. Кейинги йилларда UZ домен зонасидаги фаол доменлар сони ортиб бормоқда, 2006 йилда улар сони аввалги йилга нисбатан 34 фоизга ортди, шу йилнинг 20 июл кунига кўра фаол доменлар сони 4600 дан ошиб кетди.

UZINFOCOM маркази илмий-таълим тармоғи UzSciNet орқали маълумотларни узатиш хизматини кўрсатади. UzSciNet тармоғи (www.uzsci.net) 1997 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тошкент физика-техника институти олимлари томонидан Фанлар академияси тизимидаги турли илмий институтларни ягона тармоққа бирлаштириб, интернетга улаш мақсадида ташкил этилган.

Айни вақтда UzSciNet илмий-таълим тармоғи ўз ичида Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли 52та илмий текшириш институти, 13 та олий ўқув юрти, 5та коллеж ва кўплаб мактаблар, лицейлар, кутубхоналар, музейлар, нодавлат-нотижорат ва ижтимоий ташкилотлар, уюшмаларни, шунингдек, олимлар, тадқиқотчилар, талабалар ва ўқувчиларни бирлаштиради. Бундан мақсад, юқоридаги фойдаланувчилар учун имтиёзли нархларда интернетга уланиш ва шу орқали жаҳондаги фан-техника, таълим соҳаларида қўлга киритилган энг сўнгги ютуқлар, ихтиро ва кашфиётлардан воқиф бўлиш ва улардан фойдаланиш имконини яратишдир.

Интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш ва миллий интернет-ресурслари сонини ошириш мақсадида марказ ижтимоий йўналишдаги лойиҳалар (илмий-маърифий, таълим, ўқув муассасалари, тиббиёт,жамоат, ёшлар, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари) учун ўзининг технологик майдончасида бепул хостинг хизматини кўрсатади.

Республикамиз аҳолисининг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ва кўплаб давлат ресурслари ичидан керакли ахборотни қидириб топишни енгиллаштириш мақсадида UZINFOCOM маркази томонидан ҳукумат қарорига асосан давлат органларининг ахборот тармоқлари ва ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона тизими ишлаб чиқилган (www.reestr.uz). Ушбу тизим ёрдамида исталган фойдаланувчи давлат органининг мавжуд бўлган ахборот ресурслари ва ахборот тармоқлари ҳақидаги маълумотни бепул равишда олиши мумкин.

Марказ республикамиз аҳолиси, айниқса, ёшлар орасида компютер саводхонлигини ошириш, АКТ имкониятларидан кенг фойдаланишни тарғиб қилиш ва амалда кўрсатиш мақсадида турли тадбирларни — акциялар, танловлар, кўргазмалар, давра суҳбатларини мунтазам ўтказиб туради. Энг охирги тадбирлардан бири – "Баҳорги жонланиш - 2007" акцияси ва "Янги ғоя" танлови тадбир қатнашчилари ва умуман республикамиз ёшлари орасида катта қизиқиш уйғотиб, кенг жамоатчилик орасида ижобий акс-садо берди.

UZINFOCOM маркази давлат бошқарув ва ижро органларида электрон ҳужжат алмашувини жорий этиш лойиҳасини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Мисол учун, марказ "Сирдарё вилояти давлат органларида электрон ҳужжат алмашувини татбиқ қилиш" лойиҳасининг мувофиқлаштирувчиси сифатида қатнашди. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳа якунланиб, Сирдарё вилояти ҳокимлигининг расмий интернет-портали муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Марказ ушбу лойиҳанинг якунига бағишлаб республикамизнинг давлат бошқарув ва ижро органлари вакиллари учун "Сирдарё вилоятининг давлат органларида электрон ҳужжат алмашувини татбиқ қилиш" мавзуида шу йилнинг 25 июн куни семинар ташкил этди. Семинарда республикамиздаги 12та вазирлик, агентлик, қўмита ва ташкилотларнинг АКТ соҳасига масъул ходимлари иштирок этдилар.

Яқин йиллар ичида марказ барча фаолият йўналишлари бўйича амалга оширилаётган ишларни кенгайтириш ва фаоллаштиришни режалаштирган. Энг асосийси эса мижозларга кўрсатиладиган барча хизматлар сифатини оширишга катта эътибор бермоқда. Марказнинг ўз олдига қўйган мақсадлари катта ва уларга эришиш учун барча имкониятлар мавжуд.

***Алижон НАЗАРОВ, Азамат ОТАЖОНОВ***

## ALOQA OLAMIDA

### ЭСКИСИ МАЪҚУЛ

IMS Research компанияси ўтказган тадқиқот натижалари кўрсатишича, учинчи авлод тармоқларининг жадал суръатларда ривожланаётганлигига қарамасдан, жаҳон аҳолисининг асосий қисми ҳануз 2G стандарти хизматларидан фойдаланмоқда.

Бунинг боисини аксарият операторлар асосий даромадни овозли хизматлардан олаётганлиги ва бунинг учун энг қулай тармоқ 2G эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Масалан, бир хил ҳудудни қоплаш учун UMTSникига қараганда икки баравар кам GSM узатгич миноралари ўрнатилади.

2001 йили келгусида UMTS тўлиқ GSM ўрнини эгаллаши башорат қилинганди. Аммо частоталарга лицензия олиш ва қурилмаларни ўрнатишга миллиардлаб доллар сарфлаган операторлар бозор ҳали 3G стандарти учун тайёр эмаслигига шоҳид бўлишди — ўрнатилган учинчи авлод тармоқлари ҳамон харажатларини қоплаб улгургани йўқ. Баъзи операторлар эса 3G-тармоқ ўрнига уяли тармоқларда юқори тезликда маълумот узатишни таъминловчи EDGE стандартига ихтисослашишни бошлашди.

### ЕВРОПА ОПЕРАТОРЛАРИНИНГ ДАРОМАДИ ОШАДИ



Телекоммуникация хизматларининг ривожи яқин келажакда Европада соҳанинг рентабеллигини сезиларли даражада ошириб юборади. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, 2013 йилда Европанинг мазкур соҳада фаолият юритувчи компаниялари тахминан 9,5 миллиард евро даромад олишлари мумкин. 2006 йилда бу кўрсаткич 5,1 миллиард еврони ташкил этганди. Analysys компанияси ҳисоб-китобларига кўра, йиллик 9 фоиз даромад ўсиши яна камида 7 йилгача сақланиб туради.

Соҳага киритилаётган сармояларнинг ҳам мазмун-моҳияти ўзгаради. Энг кўп маблағ мижозлар учун янги хизматлар ишлаб чиқишга йўналтириладиди, ҳозир эса асосан дастур таъминотига катта эътибор берилмоқда.

Яна бир маълумот: мобил операторларнинг телекоммуникация соҳасидаги улуши ҳозирда 54 фоиз бўлса, 2013 йилга бориб 64 фоизга етади.

### ВАЗИРЛАР ТЕЛЕФОНДАН МАҲРУМ ҚИЛИНДИ



Исроил Бош вазири Маҳкама аъзоларининг йиғилишларга мобил телефонлар билан киришларини тақиқлаб қўйди. Яқинда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисда вазирларнинг бири (номи ошкор қилинмаган) қўл телефонида сўзлашаётганини Эҳуд Олмерт назардан четда қолдирмаган. Бу пайтда Исроил хавфсизлик агентлиги бошлиғи махфий амалиётлар ҳақида ҳисобот бераётганди.

***Интернет хабарлари асосида тайёрланди***

## ҚУТЛОВ!

**Маҳбуба МАМАТҚУЛОВА,**
**Бўка почта алоқаси тармоғининг умумий бўлим оператори, "Моҳир алоқачи" унвони соҳибаси:**

*— Почта тизимида меҳнат қилаётганимга 30 йил тўлди. Киши астойдил бир касбнинг бошини тутиб, унинг турли синовларию, қийинчиликларидан чўчимай меҳнат қилса, ниятига етаркан. Ўтган йили Мустақиллик айёмимиз арафасида "Моҳир алоқачи" унвонига сазовор бўлдим. Албатта, бундан бошим осмонга етди. Айниқса ҳамкасбларимнинг қувончини айтмайсизми. Бу нафақат менга, балки жамоамга ҳам билдирилган катта ишонч эди. Айтмоқчиманки, аввало, тинч-осойишта юртда яшаш, аҳил жамоада ишлашнинг ўзи катта бахт. Бу саодатманд кунларнинг қадрига етиш, уни авайлаб-асраш ўз қўлимизда.*

*Истиқлол айёми кезиб юрган шукуҳли кунларда барча ватандошларим қатори ҳамкасбларимга ҳам эзгу тилакларимни йўллайман. Доимо хонадонларга энг яхши хабарлар билан кириб бораверинг, дейман.*


"O`ZBEKTELEKOM" AK
**"СУРХОНДАРЁ ТЕЛЕКОМ"**
**ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**



Жаннатмонанд
Ўзбекистон халқини
**Истиқлол айёми**
билан табриклайди.



Азиз юртдошлар!
Энг улуғ байрамимиз
муборак бўлсин.

**Озодлик қуёши бошимиз узра мангу нур сочсин!**


## Байрам арафасида



**Какайди транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежининг 540 ўқувчига мўлжалланган янги биноси фойдаланишга топширилди. Термиз маиший хизмат коллежи эса Термиз ахборот технологиялари ва маиший касб-ҳунар коллежига айлантирилди.**

# Нурли йўл

## "O`ZBEKTELEKOM" AK ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

*Мустақил алоқа тизимини барпо этиш йўлида 1991 йили ҳукуматимиз томонидан халқаро "Интелсат" йўлдоши алоқа тизими ва сиғими 810 каналдан иборат бўлган NEAX-61 халқаро коммутация станциясининг қурилиши учун молиявий ёрдам берилди. Биринчи босқичда Япония билан ҳамкорликда 20та канал ташкил этилди. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро телекоммуникация тармоқларига мустақил чиқишини таъминлайдиган илк қадамлардан бири бўлди.*

*1995 йили Тошкент шаҳрида 4270 портга мўлжалланган EWSD русумдаги халқаро ва шаҳарлараро рақамли коммутация станциясининг барпо этилиши халқаро алоқани ривожлантириш йўлида олиб борилган кейинги босқичдаги йирик тадбирлардан бири бўлди.*

*1996 йили Siemens AG компанияси билан умумий сиғими 36338 рақамли EWSD русумдаги коммутация қурилмаларини етказиш бўйича тузилган шартнома асосида Тошкент шаҳрининг маҳаллий телефон тармоқларини кейинги босқичда рақамлаштириш амалга оширилди.*

*Республикамизда рақамли магистрал транспорт тармоғини қуриш ишлари 1995—1997 йилларда Транс-Осиё-Европа оптик-толали алоқа линияси (TOE ОТАЛ) миллий сегменти қурилиши билан бошланган эди. Унинг узунлиги 900 километрдан кўпроқни ташкил этади.*

*2001 йили Жанубий Корея кредити ҳисобидан Андижон ва Фарғона вилоятларида EDCF лойиҳаси амалга оширилди. Ушбу лойиҳа доирасида мазкур вилоятларнинг ички зоналардаги телекоммуникация тармоқларини реконструкция қилиш ишлари маромига етказилди. Андижон вилоятининг саккизта туман маркази ва Фарғона вилоятининг олтита туман марказигача умумий узунлиги 354 километрлик рақамли оқимларни етказиб берувчи оптик-толали алоқа линияси яратилди.*

*2003 йилдан бошлаб "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси CDMA-450 тизими-*




**Нурота ҳеч бир туманга тенглаштириб, ҳеч бир шаҳарга ўхшатиб бўлмайдиган муқаддас маскан. Унда яшайдиган одамлар турфа, ундан ўтган йўллар ўзгача, гоҳ залворли тоғларга етакласа, гоҳо адирлар бағридаги боғларга бошлайди. Бу йўлларнинг барчаси орзулар масканига олиб боради, бу ердаги инсонлар умидлар гулшанида яшайди. Меҳнатдан бахт, саодат топганлар кўп Нуротада. Қаҳрамонимиз Зойир ака Раҳмонов ҳам ана шундайларнинг бири.**

# Ифтихор



Зойир ака асли чорвадор фарзанди. Ота-боболаридан бирортасининг почта хизматига алоқаси бўлмаса-да, у бу соҳада салкам қирқ йил хизмат қилди.

— Болалигимизда почтачимиз Нишон Жўраев кўчамизга хат-хабар олиб келса, пешвоз чиқардим, каттакон сумкасига ҳавас билан қарардим. У кишини кўрди дегунча ҳамқишлоқларимизнинг юзида қувонч пайдо бўларди. Одамларга яхшилик улашаётган, кимга хат, кимга севимли газета ва журналларини тарқатаркан, Нишон амакининг ўзи ҳам мамнун бўларди. Айниқса, аскар боласидан хат олган оналарнинг севинчини кўриб, уларнинг почтачига юз марта раҳмат айтишларидан таъсирланиб кетардим. Балки ана ўшанда қалбимда бу касбга нисбатан ҳавас уйғонгандир.

Мактабни тугатиб, Нурота тумани марказидаги почта алоқаси бўлимига почтачи бўлиб ишга кирдим. Оз муддат ишлаб, ёш йигит эмасманми, қарорим ўзгариб, қурилишга ишга бордим. Почта ишига қизиқишим шунчаки ҳавас экан, деб ўйлагандим. Йўқ, почта оламидан кечиб кетолмаслигимни тезда англадим.

Дарҳақиқат, почта ўзининг тақдири эканлигини Зойир ака вақтида тушуниб етди. Етмишинчи йилларда туман марказида бор-йўғи битта алоқа бўлими бўлган. Почтачи, кейинчалик оператор бўлиб бир неча йил меҳнат қилган Зойир ака Нуротадаги биринчи алоқа бўлимининг бошлиғи сифатида элга танилди.

— Нурота тумани ҳудуд жиҳатидан жуда кенг ва қишлоқлар орасидаги масофанинг катталиги почта хизматида анча мураккабликларни туғдириши табиий, — дейди туман почта алоқаси тармоғи бошлиғи Саодат Омонова. — Туманимизда почта хизматини тез ва соз ташкил этиш мақсадида тўртта йўналиш белгиланган бўлиб, Нурота-Сентоб йўналиши 260 километр, Нурота-Чўя — 175, Нурота-Қорақудуқ — 120 ва Нурота-Янгиобод йўналиши 45 километр — жами 600 километр масофада почта хизмати кўрсатилади. Қанчалик олис бўлмасин, аҳолининг матбуот нашрларига бўлган талаби ўз вақтида қондирилмоқда.

Зойир Раҳмонов раҳбарлик қилаётган 1-алоқа бўлими шаҳар марказидаги А.Яссавий, Й.Охунбобоев, М.Расулов, "Гулистон", "Баҳор" кўчаларидаги аҳолига хизмат кўрсатади. Ҳар ойда 1300-1400 нафар пенсионерга 80 миллион сўм нафақа тарқатади.

— Бугун почта хизмати янги давр имкониятларидан тўлиқ фойдаланмоқда, — дейди Зойир ака илк бор почтачилик фаолиятини эсларкан. — Елкамиздаги катта-катта сумкаларни аранг кўтарардик, «Шарқ юлдузи», «Саодат» журналларини деярли ҳар бир хонадон ўқирди. Бир кунлик матбуот нашрларини хонадонларга тарқатиш учун 2-3 бор қатнардик. Жўнатмалар жуда кўп бўларди.

Машаққатли меҳнатимизнинг ширин роҳати ҳам бор экан. Мана бугун почтанинг каттиқ, аммо ҳалол нони билан боққан болаларим ҳам менга қанот бўлиб, касбимни танлаганидан бахтиёрман. Почта — менинг тақдирим эканлигини исботлашга бошқа мисолнинг ҳожати бўлмаса керак.

Дарҳақиқат, Раҳмоновлар оиласининг тўнғич фарзанди Аҳтамжон ҳам ўз меҳнат фаолиятини 1-алоқа бўлимида оддий почтачиликдан бошлаган. Шунга ҳам салкам ўн беш йил бўлибди. Кейинчалик операторлик ва инструкторликни бекаму кўст, сидқидилдан бажариш билан бирга ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида почта мутахассислиги бўйича таҳсил олди.

Аҳтамжон Раҳмонов нафақат ўз ишининг устаси, балки касбининг фидойиси ҳам. Ёш бўлса ҳам ўзига хос салобати, ҳавас қилса арзийдиган салоҳияти бор. Камтарин ва самимий. Худди ана шу фазилатлари туфайли у туман почта алоқаси тармоғи бошлиғининг ўринбосари вазифасига кўтарилган бўлса, ажаб эмас.

Келажаги бор, билимли ва изланувчан йигит ҳар бир тадбир, ҳар бир йиғилишда бугунги вазифалар, эртанги режалар ҳақида гапираркан, тизимда меҳнат қилаётган фидойи инсонлар тажрибасини ўрганишни канда қилмайди, уларнинг хизматлари машаққатини тан олади.

Зойир ака фарзандлари қалбида ўз касбига нисбатан чуқур ҳурмат, бошқача меҳр уйғота олганлигини яна бир мисолда кўриш мумкин. Раҳмоновлар оиласининг яна бир фарзанди — Акмалжон мактабни битиргач, Самарқанддаги спорт коллежига ўқишга кирганди. Бир йил ўқиб, у спортга эмас, почта хизмати соҳасига кўпроқ қизиқиши борлигини тан олди. Отаси ёнига — Нуротага қайтиб, алоқа бўлимида почтачилик қилишга қарор қилди. Айни пайтда у алоқа бўлимининг энг чаққон, ёш почтачиларидан бири. Ишлаб туриб, Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида ўқиди. Тажрибасини орттириши учун эса отаси ва акаси ҳамиша ундан ёрдамларини аямайди. Турли тоифадаги, турфа феъл-атворли одамлар билан муомалани ўрганди. Хуллас, Акмалжон одамларнинг севимли почтачисига айланди. Бу ҳам Зойир аканинг ютуғи. Оилада 4 нафар фарзандни юрт иши учун фидойи қилиб тарбиялаган Зойир ака ва Мадина опаларнинг армони йўқ, албатта.

— Ўтган йили касб байрамимиз муносабати билан Тошкент шаҳрига бордик, — дейди Зойир ака, — тўғриси, Тошкентни танимай қолдим. Истиқлол йилларидаги улуғвор ўзгаришларни кўриб ҳайратландим. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов «Ўз касбининг устаси» нишонини топширганида кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Ўша кун ҳаётимдаги энг бахтли куним бўлиб қолди. Қирқ йилдан буён қилган меҳнатларим, чеккан машаққатларим зое кетмаганидан қувондим.

Зойир аканинг ҳам тажрибали, кўпни кўрган раҳбар, ҳам яхши инсон, ҳам ибратли ота сифатидаги фикрмулоҳазаларида ҳаётнинг ранглари, умрнинг шодлигу ташвишлари намоён. Замондошлари ютуғидан фахрланаётган, уларнинг қувончидан куч олаётган шундай фидойилар ҳамиша омон бўлсин.

***Маруса ҲОСИЛОВА,***
***"Хабар"нинг Навоий вилоятидаги мухбири***

## ҚУТЛОВ!



**Раим МАРҚАЕВ, "Сирдарё Телеком" филиали, Боёвут телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи, "Шуҳрат" медали соҳиби:**

*— Ҳаётим алоқа соҳаси билан чамбарчас боғлиқ. Шу соҳада ишлаб, обрў-эътибор топдим, элу юрт ҳурматига сазовор бўлдим. Ўтган йили ҳукуматимиз томонидан "Шуҳрат" медали билан тақдирландим.*

*Мустақиллик йилларида республикамиз алоқа тизимида улкан ўзгаришлар юз берди. Жумладан, вилоятимизда ҳам энг замонавий алоқа жиҳозлари ва ускуналари ўрнатилди, деярли барча шаҳар ва туманлар марказларида рақамли станциялар ишга тушди. Бу абонентлар учун вилоят миқёсида ҳеч қандай код термасдан ўзаро боғланиш имкониятини яратди. Дунёнинг исталган нуқтаси билан сўзлашиш муаммо бўлмай қолди. Нафақат алоқа хизматида, балки бошқа соҳаларда ҳам жуда катта ўзгаришларни кузатиш мумкин. Айниқса, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб дил қувнайди. Буларнинг барчасига юртимиздаги тинчлик-осойишталик, давлатимиз юргизаётган оқилона сиёсат ва мустақиллигимиз сабаб эришилмоқда. Шунинг учун ҳам ўтаётган ҳар бир кунимиз, дақиқаларимиз қадрига етиб, шукроналар айтишимиз керак.*

*Шундай улуғ кунларда барча юртдошларимизни Истиқлолимизнинг 16 йиллик байрами билан самимий табриклайман. Ҳар доим хонадонларимизда тўю томоша бўлсин, юртимизда байрамлар байрамларга уланаверсин!*



*да ишловчи симсиз радиочиқиш бўйича янги турдаги хизматни ўзлаштиришни бошлаб юборди. Шу мақсадда "Ўзбектелеком Мобайл" филиали ташкил этилди.*

*Ўқув жараёнларини такомиллаштириш ҳамда "Ўзбектелеком" АК мутахассислари малакасини ошириш мақсадида, 2003 йили Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг бевосита иштирокида ихтисослашган Инженер-техник маркази ташкил этилди. 2006 йили Тошкент шаҳридаги 35-АТС модернизация қилингандан сўнг бўшаган бино марказга берилди ва у етарли қурилмалар билан жиҳозланди ҳамда тингловчилар учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратиб берилди.*

*2005 йилнинг 5 майида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан "Эксимбанк" кредити ҳисобидан молиялаштирилган "Ўзбектелеком" АК телекоммуникация тармоқларини реконструкция қилиш ва ривожлантириш" лойиҳаси бўйича "Huawei Technologies Co & LTD" компанияси билан рақамли коммутация қурилмаларини ўрнатиш лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди.*

*2005 йил 20 июлдан бошлаб "Ўзбектелеком" АК ва "EAST Telecom" ҳамкорлигида Тошкент вилоятининг шаҳар ва қишлоқ объектларидаги 20 АТСга рақамли узатиш жиҳозларини ўрнатиш лойиҳаси татбиқ этилди. Мазкур лойиҳанинг умумий хизмат кўрсатиш сиғими 34420 рақамга мўлжалланган.*

*Ушбу келишувлар бўйича жиҳозлар ХХРнинг «Huawei Technologies» томонидан ўрнатилди. Боғламадаги янги АТСларга абонентларни қайта улаш ишлари белгиланган жадвал бўйича тўлиқ амалга оширилди. Янги лойиҳаларни татбиқ этиш ишлари давом этмоқда.*

*Республиканинг барча провайдерларига Халқаро пакетли коммутация маркази (ХПКМ) орқали интернет тармоғидан фойдаланиш таклим этилмоқда. Интернет тармоғига чиқиш сифатини яхшилаш ва унинг тезлигини ошириш учун 2006 йили марказ замонавий қурилмалар билан жиҳозланди. Бу эса ўз навбатида, ХПКМ орқали уланган барча провайдерлар учун катта ҳажмдаги трафик ўтказувчанлигини таъминлади.*

BUGUN QATAG'ON QURBONLARINI YOD ETISH KUNI

**УЛАР МИНГЛАБ-У МИЛЛИОН ЭДИЛАР,**
**МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИН FАМИН ЕДИЛАР.**
**ЖОНЛАРИН ХАЛҚ УЧУН ЖОНФИДО ҚИЛИБ,**
**ОЗОДЛИК, ЭРК УЧУН ЖОНИН БЕРДИЛАР.**

# Ижод машаққати


Абдулла ҚОДИРИЙ

...Биз жасорат сўрар эдик. Лекин бериш қаерда — жасоратимизнинг қолганқутқанини ҳам олмоқ муддаосида эдилар. Биз сўз эркинлиги сўрар эдик. Лекин тилимизни тек-тугидан кесмоқчи эдилар. Жасорат биткан эди, тил кесилган эди... Юрагимиздаги бир оз умидни истисно қилганда бошқа нарсалар юлиниб-юлқинган эди...

***

Адабиёт дунёсида икки турлик танқид бор: жиддий танқид ва ҳажвий танқид. Жиддий танқид ўзининг кузаткан нишонаси устида ўзгаришлар ясаса ҳам, аммо кўпинча авомга мажҳулроқ бўлиб ўтадир. Айтиш мумкинки, жиддий танқид баҳс қилинған масаланинг ўз аҳлиға, яъни юқори табақа — зиёлиларга махсусу кабидир. Ундан сўнг, жиддий танқид турмушнинг ҳар бир бурчагиға кириб юриш учун ҳам таназзул этолмайди. Бу жиҳат билан қаралса-да, у оммавийлик хусусиятидан йироқдир. Танқиднинг иккинчи хили бўлған ҳажвийни (сатира маъноси билан) оммавий дейилса бўлади. Чунки, кулги танқид турмуш бўлиб учқучи бургутдир. Ҳаёт шароитиға ярамаған заиф, қизғанч, манфур, музир ва шунинг сингари унсурлар унга емдир. Ҳажвий танқид авомнинг руҳига яқин ва унинг ҳис эткан, аммо ифода қила олмаған масалаларига таржимондир.

Хулоса: ҳажвий танқиднинг табиатидаги кулгулик унсури авомнинг маҳбуби, тағин тўғриси, унинг ўз ижодидир.

***

Яхши билиш керакким, қалам — ўқлоғи, матбуот — кетмон бозори эмас. Йўсунсиз равишда хотирға келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайдир. Сўз қолиб, фикр унинг ичига қўйилған ғишт бўлсин. Кўбчилик хумдонидан пишиб чиқғач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин.

***

Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак, ёзғучининг ўзигина тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб. Асли ёзғучилиқ, айтмакчи бўлған фикрни ҳаммага баробар англата билишда, орағa англашилмовчилиқ солмасликдадир.

# Гўзал


ЧЎЛПОН

*Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,*
*Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.*
*Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,*
*Айтадир: "Мен уни тушда кўрамен.*
*Тушимда кўрамен, шунчалар гўзал,*
*Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!.."*

*Кўзимни оламен ой чиққан ёққа,*
*Бошлайман ойдан-да сени сўрмоққа,*
*Ул-да айтадирки: "Қизил ёноққа*
*Учрадим тушимда, кўмилган оққа.*
*Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,*
*Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!.."*

*Эрта тонг шамоли сочларин ёзиб,*
*Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.*
*Айтадир: "Бир кўриб, йўлимдан озиб,*
*Тоғу тошлар ичра истаб юрамен!*
*Бир кўрдим мен уни — шунчалар гўзал,*
*Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!.."*

*Ул кетгач кун чиқар ёруғлиқ сочиб,*
*Ундан-да сўраймен сенинг тўғрингда.*
*Ул-да уятидан беркиниб, қочиб,*
*Айтадир: "Бир кўрдим, тушдамас ўнгда.*
*Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал,*
*Ойдан-да гўзалдир... мендан-да гўзал!.."*

*Мен йўқсил на бўлуб уни суйибмен?!*
*Унинг-чун ёнибмен, ёниб-куюбмен.*
*Бошимни зўр ишга бериб қўюбмен,*
*Мен суюб... мен суюб... кимни суюбмен?*
*Мен суйган "суюкли" шунчалар гўзал,*
*Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!!!*



# Ким деяй сени?


Абдурауф ФИТРАТ

*Оппоғим, худой асрагай сени,*
*Кўз балосидан сақлагай сени.*
*Сен жаҳоннинг нозанинисен,*
*Қайғуларга ҳеч солмағай сени.*

*Қип-қизил гулим, ёп-ёруғ ойим,*
*Кетма, тур бир оз, мен кўрай сени.*
*Дардли дилимнинг сен давосими,*
*Мунгли кўнглимнинг подишосими?*

*Гулмисен, кўзим, онмисен, кўзим,*
*Кўнглимнинг бути ё худосими?*
*Билмадим, гулим, айт, ўзинг кулиб,*
*Ошиқинг нечук атагай сени?*

# Доимо қалбимизда



Бешафқат ўлим орамиздан ажойиб инсон, ўз касбининг моҳир устаси, "Самарқанд Телеком" филиалининг Пахтачи туман телекоммуникациялар боғламаси техник директори Олим Тўхташевни олиб кетди.

Олим ака 1954 йили Пахтачи туманида туғилди. 1973 йилда Тошкент алоқа политехникумини тугатиб, шу йили Каттақўрғон алоқа воситаларидан фойдаланиш боғламасида электромеханик лавозимидан меҳнат фаолиятини бошлади. Шу боғламада участка бўлими бошлиғи ўринбосари, Пахтачи участкаси бошлиғи вазифаларида меҳнат қилди. 1997 йилдан умрининг охиригача Пахтачи туман телекоммуникациялар боғламасида бош муҳандис, техник директор бўлиб ишлади. У кишининг чуқур билими, одамлар билан ишлаш қобилияти туфайли, ушбу боғлама вилоятдаги энг илғор туманлар қаторига кирди.

О.Тўхташев вилоятимиздаги барча телекоммуникациялар боғламаларида алоқа ускуналарини ўрнатиш, улардан фойдаланиш ишларида фаол иштирок этган. Ўз билими ва тажрибасини ҳамкасблари ва ёшларга ўргатиб келгани сабабли, уни вилоятдаги муҳандис-техник ходимлар ўзларига устоз деб билишади.

Биз марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирамиз, Яратгандан у кишининг охиратлари обод бўлишини тилаб қоламиз.

Олим Тўхташевнинг порлоқ хотираси доимо қалбимизда сақланади.

***"Самарқанд Телеком" филиали маъмурияти, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоаси***

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Сурхондарё вилояти "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси жамоаси корхонанинг Термиз тумани филиали бошлиғи

**Эргаш ХОЛИҚОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

"Ўзбектелеком" АК "Ўзбектелеком Мобайл" филиали жамоаси филиалнинг Қорақалпоқ боғламаси 2-тоифали муҳандиси

**Элбой ХУДОЙБЕРГАНОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

SPORT

**Хоразм вилоятида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги ҳамда Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган алоқа соҳаси корхоналари ва ташкилотлари ўртасидаги уч босқичли спартакиаданинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

## СПАРТАКИАДАНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ

Шашка бўйича аёллар ўртасида «Хоразм Телеком» филиалидан Моможон Давлетова биринчи, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиалидан Гулбаҳор Ахмедова иккинчи, «Матбуот тарқатувчи» Хоразм вилоят шўъба корхонасидан Санамжон Йўлдошева учинчи ўринни эгаллади. Эркаклар ўртасида ўтказилган шашка мусобақаси баҳсида 1-ўрин Ғайрат Матқурбонов («Алоқабанк» Урганч филиали)га, 2-ўрин Шавкат Ражабов («Хоразм Телеком» филиали)га ва 3-ўрин Раҳимберди Саидов («Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали)га насиб этди.

Шахмат бўйича мусобақада «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиалидан Собира Раҳмоновага тенг келадиган рақиб топилмади. Эркаклар ўртасида эса «Алоқабанк» Урганч филиалидан Ғ.Матқурбонов, «Матбуот тарқатувчи» Хоразм вилоят шўъба корхонасидан Р.Холмуродов ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиалидан Б.Авезметовлар 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллашди.

Стол тенниси мусобақаси ҳам қизиқарли тусда ўтди. Аёллар баҳсида Шарифажон Машарипова («Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали) биринчи ўрин, Динора Шарипова («Хоразм Телеком» филиали) иккинчи ўрин ва Муборак Нурметова («Матбуот тарқатувчи» Хоразм вилоят шўъба корхонаси) учинчи ўрин соҳибаси бўлдилар.

Эркаклар ўртасида ўтказилган стол тенниси мусобақасида «Алоқабанк» Урганч филиалидан Дилмурот Бекчоновга 1-ўрин, «Хоразм Телеком» филиалидан Рустам Бекчоновга 2-ўрин ва 9-Шаҳарлараро магистрал алоқа тармоғи бўлимидан Санжар Саъдуллаевга 3-ўрин насиб этди.

Кўпкураш ва арқон тортиш мусобақаларида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали жамоаси юқори поғонани банд этди. Умумжамоа ҳисобида 1-ўринни «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали, 2-ўринни «Хоразм Телеком» филиали ва 3-ўринни «Матбуот тарқатувчи» Хоразм вилоят шўъба корхонаси эгаллади.

***Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,***
***“Xabar”нинг Хоразм вилоятидаги мухбири***



## ДАНИЭЛ АЛВЕШ УЧУН 32 МЛН. ЕВРО

Испаниянинг «Севиля» клуби ва Бразилия терма жамоаси ҳимоячиси Даниэл Алвеш Англиянинг «Челси» клуби аъзосига айланди.

Ушбу футболчини ўз жамоаси сафига қўшиш учун Роман Абрамович 32 миллион евро сарфлади.

## “ЎзИ-ТЕРМИЗ” ҒОЛИБ

Термиз шаҳридаги "Алпомиш" ўйингоҳида Сурхондарё вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси давлатимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги ва Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган ёзги спартакиада мусобақасини ўтказди. Беллашувларда қатнашган саккиз жамоа вакиллари спортнинг беш тури бўйича ўзаро баҳслашишди. Айниқса, "ЎзИ-Термиз" филиалининг цех бошлиғи Худойберди Келдиев, "Сурхондарё Телеком" филиали аъзоси Мўътабархон Сайдалиева, "ТУМС-7" жамоасининг етакчи мутахассиси Шерзод Ҳазратқуловлар спортнинг шахмат, волейбол ҳамда стол тенниси турлари бўйича катта маҳоратга эга эканликларини кўрсата олишди.

Жамоалар биринчилигида "ЎзИ-Термиз" филиалига тенг келадиган топилмади. Кейинги ўринлар "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали ва "Сурхондарё Телеком" филиали жамоаларига насиб этди.

Ғолибларга ташкилий қўмита дипломи ва қимматли совғалари топширилди.

***Шерали ЮСУПОВ***

## 3558 КИЛОМЕТРЛИ “МАРАФОН”

**Хитойлик саккиз ёшли Чжан Хуэймин Пекинда ўтказиладиган Олимпиада-2008 ўйинларига бағишланган югуришни якунига етказди. У икки ой ичида Саня шаҳридан Пекингача бўлган 3 минг 558 километр масофани босиб ўтди.**

ОАВ вакиллари қизчанинг саломатлигидан хавотирланиб, ушбу югуришни ташкил қилиш шарт эмас дея бир неча бор чиқишлар қилишган эди. Лекин асосий ташкилотчи бўлган Хуэйминнинг отаси Чжан Цзянмин қизига бу югуриш катта жисмоний зўриқиш келтирмаслигини айтган: "У югуришни яхши кўради. Югуриш давомида ҳеч қандай кучли зўриқишни ҳис қилмайди".

Чжан Цзянмин қизининг Пекин Олимпиадасида ўтадиган марафонда ҳам иштирок этишига умид билан қараяпти. У эндигина саккиз ёшга тўлган бўлса-да, шу вақтгача катталар ўртасидаги марафонда иштирок этиб улгурган. Хусусан, шу йилнинг январида Хайнан шаҳрида ўтказилган марафонда у марра чизиғини иккинчи бўлиб кесиб ўтган эди. Кейинги йилнинг бошларида у Лхаса (Тибет)дан Шанхайгача югуришни режалаштирмоқда. Бу масофа аввалгисидан анча узоқ саналади.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

***“Фарғона Телеком” филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари катта электромеханик Толибжон АКБЎТАЕВни 60 ёши билан чин юракдан табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, хонадонига тинчлик-осойишталик тилайди.***

***

***“Xabar” газетаси жамоаси газетанинг Наманган вилоятидаги мухбири Шуҳрат ПАРПИЕВни қутлуғ 55 ёши билан муборакбод этади. Унга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, хонадонига тинчлик-хотиржамлик, ишларида омад тилайди.***

***

***“Андижон Телеком” филиали Бўз телекоммуникациялар боғламаси жамоаси боғлама электромонтёри Ғуломназиржон РУСТАМОВни таваллуд топган куни билан табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, доимо бахтли, саодатли бўлишини тилайди.***

***

***“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Самарқанд филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари филиал назорат гуруҳи бошлиғи Мамарасул САДАНОВни 50 ёши билан самимий қутлайди. Унга узоқ умр, бахт-саодат оилавий тотувлик, доимий хушчақчақлик тилаб қолади.***

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

**Бош муҳаррир:**
**Абдусаид КЎЧИМОВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
**Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ**
**(Бош муҳаррир ўринбосари)**
**Бахтиёр КУБЕЕВ**
**Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ**
**Миродил САНГИЛОВ**
**Шуҳрат СОДИҚОВ**
**Лутфилло ТУРСУНОВ**
**(масъул котиб)**
**Асаджон ХЎЖАЕВ**
**Рустам ҚОСИМОВ**
**Содиқжон ҚОСИМОВ**

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

**100060, Тошкент-60,**
**Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.**
**Тел.: 133-36-48; 136-35-29.**
**Факс:** 136-36-42.
**E-mail:** ***orif@infonet.uz***

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.

**Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.**

Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Тижорий материал — ❶**

Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.

**Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.**

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

753-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 7881 нусха.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: **Аслиддин БЎРИЕВ.**
Матн терувчи: **Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.**

**Ахборот ҳамкоримиз:**
**UZINFOCOM маркази.**

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

# ВАТАН, ТО ТАНДА ЖОНИМ БОР, СЕНИНГДИРМАН, СЕНИНГДИРМАН...

*Ватан, то танда жоним бор,*
*Сенингдирман, сенингдирман,*
*Таним хок ўлса ҳам сен ёр,*
*Сенингдирман, сенингдирман,*

*Жаҳон кенгдир, фалак кенгдир,*
*Юрак кенгдир, чу сен борсан,*
*Сенингсиз икки дунё тор,*
*Сенингдирман, сенингдирман,*

*Менга бегона элларда насиб гар*
*Ўлса юз роҳат*
*Чекай бағрингда минг озор,*
*Сенингдирман, сенингдирман,*

*Агар шодликларинг оздир,*
*Менингдирсан, менингдирсан,*
*Магарким ғамларим бисёр,*
*Сенингдирман, сенингдирман,*

*Бугун бор, эрта йўқ жисмим,*
*Валек руҳим учун мангу*
*Сенинг мангулигинг даркор,*
*Сенингдирман, сенингдирман,*

*Сенинг ишқинг билан ёндим,*
*Кетар жонимда бу оташ,*
*Сенингдирман, яна такрор,*
*Сенингдирман, сенингдирман.*



**Эркин ВОҲИДОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**



*— Она Ватанимизнинг истиқлолни қўлга киритганига ҳам мана 16 йил тўлди. Тарихан шу қисқа вақт ичида танти ва меҳнатсевар халқимиз жуда катта бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Буни шаҳару қишлоқларимиз ободлигида, бир-биридан кўркам иншоотларда, кенг ва равон йўллару ҳайбатли кўприкларда кўриш мумкин. Бугун Ўзбек модели тамойилини бутун дунё тан олди ва ўрганмоқда. Албатта, буларнинг барчаси ҳурлик, эркинлик шарофатидандир.*

*"Хабар" газетаси орқали энг улуғ, энг азиз байрамимиз билан бутун халқимизни, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида меҳнат қилаётган барча ҳамюртларимни сидқидилдан муборакбод этаман.*

## БИР НИҲОЛ

Юртдошим, боғингга бир ниҳол қада,
Бу ниҳол номини Яхшилик ата.

Ниҳолинг ёнига бир гул экиб қўй,
У гулнинг исмини Гўзаллик деб қўй.

Гулу ниҳолингга бахш этиб ҳаёт,
Сув бер ва бу сувга Меҳр деб қўй от.

Сендан фарзандингга боғ қолсин, эй дўст,
Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст.

## ВАТАН ИСТАГИ

*Бу ватанда бир Ватан*
*Қурмоқни истайдир кўнгил,*
*Ўзни озод қуш каби*
*Кўрмоқни истайдир кўнгил.*

*Бу Ватан тимсоли бўлса*
*Тонг қуёши шуълавор,*
*Шуълалар қўйнида чарх –*
*Урмоқни истайдир кўнгил.*

*Ул Ватанга байроқ – инсоф,*
*Туғи сарҳад муҳри – меҳр,*
*Сарҳад узра соқчидек*
*Турмоқни истайдир кўнгил.*

*Ким бу тупроқ қадрин истар*
*Айламоқ тупроққа тенг,*
*Кўзига тупроқ билан*
*Урмоқни истайдир кўнгил.*

*Ул Ватан елканларини*
*Маърифат уммонида*
*Қиблаи имон сари*
*Бурмоқни истайдир кўнгил*

*Бас, етар ёлғон саодат,*
*Ёлғон эрк, ёлғон ватан,*
*Ҳуррият завқини чин*
*Сурмоқни истайдир кўнгил.*

*Қутлуғ истиқлол кунида,*
*Эй Ватан, бағрингда шод*
*Эркин ўғлонинг бўлиб*
*Юрмоқни истайдир кўнгил.*




# Мустақиллик айёми муборак!

«Билайн» савдо белгиси остида фаолият юритувчи «Unitel» компанияси барчани миллий айём – Мустақилликнинг 16 йиллиги билан самимий муборакбод этади.
Барчангизга соғлик-омонлик, тинчлик-осойишталик ва энг эзгу истакларнинг рўёбга чиқишини тилаймиз!

Хизматлар лицензияланган. Ўзбекистон Республикаси худудида хизматлар "UNITEL" MChJ томонидан тақдим этилади.

Билайн™
ҳаётнинг ёрқин тарафида бўл